

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020 Tib102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДМУРОДОВА ЖАМИЛА БОТИРОВНА

**ОРТОДОНТИК ДАВОЛАНАЁТГАН БЕМОРЛАРДА ПАРОДОНТ
ТЎҚИМАСИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of Dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Саидмуродова Жамила Ботировна

Ортодонтик даволанаётган беморларда пародонт
тўқимаси касалликларини олдини олиш ва даволашни
такомиллаштириш..... 3

Саидмуродова Жамила Ботировна

Совершенствование профилактики и лечения заболеваний
тканей пародонта у больных, находящихся на ортодонтическом
лечении..... 21

Saidmurodova Jamila Botirovna

Improving the prevention and treatment of parodontal
tissue diseases in patients undergoing orthodontic
treatment..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published
works..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020 Tib102.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДМУРОДОВА ЖАМИЛА БОТИРОВНА

**ОРТОДОНТИК ДАВОЛАНАЁТГАН БЕМОРЛАРДА ПАРОДОНТ
ТЎҚИМАСИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим,фан ва инновация вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2849 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Назарова Нодира Шарипова
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Зойиров Тулкин Элназарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ермуханова Гульжан Тлеумухановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)

Етакчи ташкилот:

Н.Н.Бурденко номидаги Воронеж давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертация (PhD) билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация автореферати 2023 йил “_____” _____ куни тарқатилди.

(2023 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Т. Насретдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда болалар ва ўсмирлар орасида тиш-жағ аномалияларининг тарқалиши 50-80% ни ташкил қилади, тиш-жағ аномалиялари асосий стоматологик касалликлар гуруҳига кириб кенг тарқалганлиги билан тавсифланади. Бунда аҳолининг 37% «...ихтисослаштирилган ортодонтик ёрдамга муҳтождир...»¹. Ҳозирги замонавий даврда ҳар қандай тиббий хизмат фақат барча бўғинларнинг ва барча элементларнинг ўзаро мақбул таъсирлашувида муваффақиятли ишлаши мумкин. Соғлиқни сақлаш тизими кўп жиҳатдан тиббий муассасалар фаолиятини мақбуллаштириш учун улар фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқариш даражасига боғлиқ. Сўнгги йилларда дунёда оптимал функционал ва эстетик натижаларга эришиш мақсадида олинмайдиган аппаратлардан фойдаланган ҳолда ортодонтик даволаниш учун стоматологияга янги технологиялар ва материалларни жорий этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди.

Дунёда кўплаб илмий тадқиқотлар тиш-жағ тизимининг турли аномалияларида пародонт тўқималарининг ҳолатини ўрганиш масалаларини ҳал қилишга қаратилган. Шу билан бирга, хорижий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, агар илгари олинмайдиган аппаратлар 90% ҳолларда қўлланилган бўлса, ҳозирда улар фақат 16% ҳоллардагина қўлланилмоқда. Бугунги кунда 84% беморларда олинмайдиган ортодонтик аппаратлар билан даволаш ўтказилмоқда. Бир қатор илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўпинча шифокор-стоматолог беморларнинг катта тоифаси учун биринчи контакт шифокори ҳисобланади. Бироқ, ҳозирги кунга қадар, брекет тизимидан фойдаланишнинг инкор этилмайдиган афзалликларига қарамай, тишларга маҳкамланган брекетлар, ҳалқалар, ёйлар, симлар, лигатуралар, пружиналар оғиз бўшлиғи гигиенасини сезиларли даражада ёмонлаштиради, 92% ҳолатда пародонтнинг яллиғланиши кузатилади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, стоматологик касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш, шунингдек, стоматологик касалликларга чалинган аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича фаол чора-тадбирлар кўрилмоқда ва қуйидаги вазифалар қўйилмоқда: тиббий хизматларнинг самарадорлиги, сифати ва имкон даражасида эканлиги, соғлом турмуш тарзига ва касалликларни олдини олишга ёрдамни кучайтириш, шу жумладан тиббий тизимни стандартлаштириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усуллари, патронаж ва диспансеризация ўтказишнинг самарали моделларини жорий этиш. Бу вазифалар замонавий тиббий ёрдам даражасини ошириш, аҳоли ўртасида стоматологик касалликлар асоратларини ташхислаш ва даволаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш каби илғор илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилайди.

¹ Персин Л.С., Максимов Г.Г. Тиш-жағ аномалияларини ташхислаш ва даволаш. Москва, Медицина, 2014., Б. 112-115.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1652-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида”ги 5274-сонли буйруғи ҳамда мазкур доирада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Дунёда ортодонтик даволаниш даврида пародонт тўқималари яллиғланиш касалликларини эрта ташҳислаш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қизиқиш билдирилган маълумотларга асосланиб, пародонт касалликларини даволаш, олдини олиш ва бартараф қилишда уларнинг ечимини талаб қиладиган долзарб вазифалар қаторига киради ва бу бўйича илмий натижалар олинган, жумладан, шиллиқ қават эпителийсининг цитоморфометрик усуллари аниқлаш (Алиева А.В., 2014); ортодонтик даволанаётган беморларда сўлакнинг минералловчи потенциалини аниқлаш (Колесник А.Г., 2018); тиш-жағ аномалияларда пародонт касалликларни ташҳислаш ва даволаш усули такомиллаштирилди (Egelberg J., 2019 йил).

Рудковский М.С. (2015) фикрича, тиш-жағ тизими касалликларини этиопатогенетик даволашни такомиллаштириш турли стоматологик патологиялар бўлган беморларни даволаш ва олдини олиш механизмларини асослаш касаллик клиник шаклининг кучайиши динамикасида учрайдиган соматик патологиялар сонини ўрганиш орқали касаллик кечишининг оғирлик даражасини аниқлаш мумкин. Ҳозирги вақтда оғиз суюқлигида протеолиз жараёнларини фаоллаштириш, липопероксикация маҳсулотлари концентрациясини ошириш, касалликнинг оғирлигини ва этиологик омилларнинг бир хиллигини олдини олишга қаратилган даволаш мажмуасини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларда клиник-функционал, иммуно-биокимёвий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011900258 “Юз-жағ соҳасининг жароҳати, нуксонлари, деформациялари ва яллиғланиш касалликлари бўлган

беморларни ташҳислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш” (2019-2023 йй.) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади олинмайдиган ортодонтик аппаратлардан фойдаланадиган беморларда пародонт касалликларни даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ортодонтик даволанишдан олдин ва даволаниш даврида тиш-жағ аномалиялари бўлган беморларда пародонт тўқималари ҳолатини ўрганиш;

цитоморфометрия усули ёрдамида олинмайдиган ортодонтик аппаратлардан фойдаланадиган беморларда химоя хусусиятининг заифлашувига олиб келувчи мукозал эпителий ва эпителиоцитларнинг хужайравий популяцияси ҳолатини ўрганиш;

пародонт тўқималарининг биоимпеданс таҳлили ва гидратация ҳамда регенерация қобилияти кўрсаткичлари динамикаси асосида олинмайдиган аппаратлар билан ортодонтик даволаш жараёнида пародонт тўқималарининг функционал ҳолатидаги ўзгаришларнинг табиатини ўрганиш;

олинмайдиган ортодонтик аппаратлардан фойдаланадиган беморлар учун даволаш-профилактика чоралари мажмуасини оптималлаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоят ихтисослаштирилган болалар стоматология поликлиникаси ва вилоят стоматология поликлиникаларида брекети-тизими ёрдамида ортодонтик даволанишга муҳтож, тиш-жағ аномалиялари ва деформациялари бўлган 12-22 ёшдаги 120 нафар ёшлар ташкил этди.

Тадқиқотнинг предмети: оғиз суюқлиги ва пародонт тўқималари текширилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини бажариш мақсадида клиник, морфологик, лаборатор ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олинмайдиган ортодонтик аппаратлардан фойдаланадиган беморларда биоимпеданс таҳлили орқали пародонт тўқималарида яллиғланишнинг клиник белгилари намоён бўлмай туриб улардаги гидратация ва регенерация параметри қийматларининг пасайиши аниқланган;

пародонт тўқималарида яллиғланиш асоратлари ривожланиш хавфини аниқлаш даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш учун кўрсатма бўлиши, механик юкламанинг пасайиши сабабли цитоморфологик кўрсаткичлар қийматларининг меъёрлашиши эса, улар самарадорлигини баҳолаш мезони ҳисобланиши аниқланган;

пародонт тўқималарига механик босимнинг кучайиши натижасида тўқималарнинг регенератив қобилияти кўрсаткичларининг ўзгариши сабабли резорбция ва остеогенез жараёнларининг устунлиги аниқланган;

таклиф этилган даво чоралари пародонт касалликлари ривожланиш хавфини камайтириш, клиник ва морфологик ўзгаришларнинг негизида стоматологик касалликларни эрта ташҳислаш ва олдини олиш бўйича тавсияларни, шунингдек, олинмайдиган аппаратлар билан ортодонтик

даволашнинг турли даврларида дисбиотик ўзгаришларни аниқлаштириш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагалардан иборат:

амалий соғлиқни сақлаш учун пародонт яллиғланиш касалликларининг кучайишини башорат қилишда қиёсий ташҳислаш амалга оширишга имкон берадиган, шунингдек уларнинг самарадорлигини баҳолаш билан энг оқилона даволаш ва олдини олиш чораларини танлашга ёрдам берадиган сифатли ташҳисот мезонлари таклиф этилган;

тиш-жағ аномалиялари бўлган беморларни текширишда цитоморфометрик ва биоимпеданс усулларида фойдаланиш ортодонтик даволаш жараёнида даволаш-профилактика чораларининг таклиф этилган усулларида оқилона фойдаланишга имкон беради, бу сезиларли клиник самара олишга, пародонт тўқималарида яллиғланиш асоратлари сонини камайитиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланиладиган замонавий усул ва ёндашувларнинг асосланганлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мослиги, ўтказилган тестларнинг аниқлиги, беморларнинг етарлилиги, тиббий-статистик материалларнинг клиник, иммунологик, биокимёвий усуллар билан асосланганлиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар ишлари билан таққосланганлиги, олинган хулосалар ва натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, пародонт тўқималарда таркибий-функционал бузилишларни эрта ташҳислаш бўйича таклиф этилган даволаш-профилактик усуллар объектив мезонлар асосида оғиз гигиенаси даражасини ва шунга мос равишда пародонт тўқималарда яллиғланиш асоратлари хавфини аниқлашга имкон беради, бу даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш учун кўрсатма, цитоморфологик кўрсаткичлар қийматларининг меъёрлашиши эса, улар самарадорлигини баҳолаш мезони ҳисобланади, бу ортодонтик даволанаётган шахсларнинг стоматологик саломатлигини тиклашда муҳим маълумот базаси ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пародонт касалликларини олдини олиш жараёнларини такомиллаштириш, олинмайдиган ортодонтик аппаратлардан фойдаланадиган шахсларда реабилитация тактикасини аниқлаш. брекет тизимидан фойдаланадиган шахсларда ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини асослайди ва шифокор-стоматологнинг кундалик амалиётида қўлланилишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ортодонтик аппаратлардан фойдаланадиган беморларда пародонт касалликларини эрта ташҳислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилди:

Ортодонтик даволанаётган беморларда пародонт тўқималари касалликларини олдини олиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Олинмайдиган ортодонтик

аппаратларнинг пародонт тўқимасига салбий таъсирини олдини олиш бўйича профилактика чоралари» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 ноябрдаги 8н-р/1344-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома шифокор-стоматологларга ортодонтик даволанаётган беморларда пародонт тўқималардаги клиник ва функционал ўзгаришларни сифатли ва эрта ташхислашнинг замонавий ёндашувлари, шунингдек, касалликнинг ушбу шаклида қўлланиладиган даволаш самарадорлигини кузатишда аниқланиши керак бўлган клиник-лаборатория кўрсаткичлари тўғрисида маълумот олиш имконини берган;

Ортодонтик даволанаётган беморларни клиник кузатиш, лаборатор, инструментал диагностика ўтказиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ортодонтик даволашда пародонт касалликларини ташхислашда клиник ва функционал тадқиқотларнинг роли» услубий тавсиянома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 ноябрдаги 8н-р/1345-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома олинмайдиган ортодонтик аппаратлардан фойдаланадиган беморларда пародонт касалликлари ривожланишида пародонт тўқималарда клиник ва функционал ўзгаришларни эрта ташхислаш муҳим рол ўйнайди деган хулосага келишимизга имкон берди.

Тадқиқотнинг илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд вилоят ихтисослаштирилган болалар стоматология поликлиникаси, Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 8н-з/20-сонли 09.01.2023).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг Диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва қисқартмалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгорлиги асосланган, мақсад ва вазифалар аниқ шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсиф берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги аниқланган ва тадқиқотнинг амалий натижалари кўрсатилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга тадқиқ этиш, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ортодонтик даволанаётган беморларнинг стоматологик ҳолати»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг таҳлили батафсил ёритилган. Адабиётлар шарҳида тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда дунёдаги ва Ўзбекистондаги олинмайдиган ортодонтик аппаратлардан фойдаланадиган беморларда пародонт тўқималарнинг клиник, морфологик ва молекуляр ўзгаришлари ҳақидаги илмий-амалий маълумотлари таҳлил қилинган. Касалликни олдини олиш ва даволаш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилиниб, муаммонинг ечимини топган ва ечимини топиши керак бўлган мезонлари аниқланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотда қўлланилган материаллар ва усулларининг умумий тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари, клиник материалларнинг умумий тавсифи, клиник, инструментал ва лаборатор тадқиқот усуллари берилган.

Биз 12-22 ёшдаги пародонт касалликлари билан кечадиган тиш-жағ аномалиялари бўлган 120 нафар беморни текширдик. Тадқиқотда беморлар ортодонтик даволанишнинг давомийлиги бўйича даврларга бўлиб текширилди.

1-давр, даволанишдан олдинги беморлар (25 нафар);

2- давр, даволаниш муддати 6 ой бўлган беморлар (31нафар);

3-давр, даволаниш муддати 12 ой бўлган беморлар (32 нафар) ;

4-давр, даволаниш муддати 13,5 ойдан кўп бўлган беморлар (32 нафар) киритилди.

Текширилган беморларда тадқиқот пайтида клиник, цитоморфометрик, биоимпеданс таҳлил, статистик тадқиқот усуллари қўлланилди. Текширилган беморларда олдинги тишларнинг зич тўпланганлик ҳолати, жағлар тиш-алвеоляр ёйларининг торайиши, улардан 64% да - чуқур кесма дизокклюзияси билан ён тишларнинг дистал окклюзияси (46%да - олдинги тишларнинг протрузияси, 18%да - олдинги тишларнинг ретрузияси) қайд этилди. Беморларнинг 13%да лаблар, тил юганчаларининг бирикишидаги аномалиялар, 14%да оғиз бўшлиғининг кичик даҳлизи, 9%да ён тишларнинг нейтрал окклюзияси аниқланди.

Окклюзия аномалияларининг ташҳисоти шифокор-ортодонт билан биргаликда Россия тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, проф. Л.С. Персин таклиф этган тиш қаторлари окклюзияси аномалиялари таснифига биноан ўтказилди.

Пародонт касалликларини ташҳислаш Бутуниттифок Миллий стоматологлари Кенгашининг XVI пленумида тасдиқланган таснифга мувофиқ амалга оширилди (1983; 2003 тўлдирилган).

Клиник ҳолатни текширишда оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати эътиборга олинди, пародонт тўқималарнинг гигиеник ҳолатига гигиеник индекс (ГИ) (Silness, Loe), милкдан қон кетиш индекси (ҚКИ) (Muhlemann; Cowell), РМА индекси (Ррма модификацияси) бўйича баҳо берилди.

Силнесс-Лоэ индекси (ГИ) (Silness, Loe) – тиш карашини аниқлаш индекси – тиш карашининг тўйинганлик даражаси ва тиш бўйни юзасида, милк усти ва милк ости тошларининг қалинлиги таҳлил қилинди.

Мюллеман бўйича милкдан қон кетиш индекси 6 та тиш ҳудудини зондлашдан 30 сония ўтгач, милк эгатларидан қон оқиши баҳоланди (16,12, 24, 36, 32, 44).

Тиш-милк чуқурлиги ёки пародонтал чўнтак соҳасидаги босма-суртмаларни цитоморфометрик текшириш А.С. Григорян ва бошқ. усули бўйича цитологик индексларга мувофиқ амалга оширилди: деструктив (ДИ), маълум даражада эпителий популяциясидаги хужайра таркибининг моҳиятини цитопатология хусусиятлари билан ифодалайди, ва яллиғланиш-деструктив (ЯДИ), бу унинг ривожланишининг турли босқичларида яллиғланиш инфилтрати таркибига киритилган хужайраларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланган.

Гигиенанинг цитологик кўрсаткичи (ГЦК) - бу тиш-милк бирикмасининг гигиеник ҳолатини баҳоланишнинг бевосита усули бўлиб, у микроскоп остида цитограммаларнинг бактериал зарарланиш даражасини таҳлил қилиш имконини берибди.

Биоимпеданс таҳлили - қўлланиладиган электр кучланиш таъсирида биологик тўқималарнинг қалинлиги бўйлаб ўтайдиган электр токини қайд этиш усули. Биоимпеданс таҳлили учун ABC-02-038 компьютер дастурига эга “ABC-02” қурилмаси (“Медасс”, Россия) ишлатилди.

Тадқиқотлар қурилган оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига 17/14, 13/23, 24/27, 34/37, 43/33, 47/44 тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарига мос келадиган тиш гуруҳларининг илдизлари проекциясига қайд қилувчи электродни киритиш орқали ўтказилди.

Биоимпеданс таҳлилидан фойдаланган ҳолда пародонт тўқималарнинг функционал ҳолатини таҳлил қилиш икки кўрсаткич бўйича амалга оширилди:

1. Гидратация даражаси.
2. Пародонт тўқималарнинг регенератив қобилияти.

1. Пародонт тўқималарнинг гидрация даражаси $Mn20 = Z20 \cdot Z5 / 0,86355$ кўрсаткичи бўйича баҳоланди, бу ерда $Z20$ - 20 килогерц синусоидал ток частотасида пародонт тўқималарнинг импеданси (умумий электр қаршилиги); $Z5$ - 5 килогерц синусоидал ток частотасида пародонт тўқималарнинг импеданси (умумий электр қаршилиги); 0,86355 - меёрлаштириш коэффициент.


Пародонт тўқималар гидрациясининг меъёрий чегара кўрсаткичлари аввалги ишлар маълумотларига кўра аниқланди (Московец О.Н. ва ҳаммуаллифлар, 2017).

2. Пародонт тўқималарнинг регенератив қобилиятини баҳолаш учун В.Г. Онищенко (2016) диссертация иши маълумотлари натижаларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **“Шахсий тадқиқот натижаларининг тавсифи ва уларнинг муҳокамаси”** деб номланган учинчи бобида оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати баҳоланди. Оғиз бўшлиғи гигиенасини баҳолаш профессионал оғиз бўшлиғи гигиенаси ўтказилишидан олдин ортодонтик

даволаниш бошланишидан олдин, уч, олти, тўққиз ва ўн икки ой ўтгач амалга оширилди.


Беморларнинг 91% да, олинмайдиган ортодонтик аппаратларни ўрнатишдан ва профессионал оғиз гигиенаси ўтказишдан олдин, гигиена индекси $ГИ=1,36\pm0,05$; $ҚКИ=0,16\pm0,06$ га тенг бўлди; профилактика чоралари бўйича курс тугагандан сўнг, гигиена индекси (ГИ) сезиларли даражада камайди. Баҳолаш шартларига кўра, ушбу маълумотлар оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатининг яхши даражаси талабларига жавоб берди, бу эса ортодонтик аппаратлар билан даволашни бошлашга ёрдам берди. Кейинги 6 ва 12 ойлик кузатувлар шуни кўрсатдики, ГИ 1,5 баравар юқориликка қолди. Даволаш-профилактика чора-тадбирлари курси ўтказилгандан сўнг гигиена индексининг текис пасайиши кузатилди, якуний текширувда меъёрий қийматга етди (1-расм).



1-расм. Динамикада ва даволашдан кейинги гигиена ва қон кетиш индекслари

Ортодонтик беморларда даволаш босқичларида пародонт тўқималардаги яллиғланиш ўзгаришлари РМА индекси ёрдамида аниқланди.


Дастлабки стоматологик текширувда беморларнинг 88% да РМА индексининг қиймати $6,69\pm0,15$ ни кўрсатди. Даволаш ва профилактика бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, олинмайдиган ортодонтик аппаратларни ўрнатишдан олдин оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенаси ўтказилгандан сўнг олинган натижалар РМА индексининг қийматларида 1,3 баравар яхши натижа кўрсатди (2-расм).



2-расм. Ортодонтик аппаратлар билан даволаш динамикасидаги беморларда РМА индексининг қийматлари


Биз ортодонтик аппаратларнинг ўрнатилиши оғиз бўшлиғида табиий ўз-ўзини тозалаш механизмларига зарар етказиши ва микробли караш кўпайишига олиб келишини аниқладик, бу пародонт тўқималарида яллиғланиш табиатли реакцияларнинг ривожланиш эҳтимолини келтириб чиқаради, қўлланилган клиник индекслар эса, фақат яллиғланиш табиатли бузилишлар ривожланганидан далолат беради. Оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатининг ёмонлашиши, шунингдек, микробли ифлосланиш - ортодонтик аппаратлар билан даволаш пайтида пародонт тўқималарининг яллиғланиш табиатли асоратлари пайдо бўлишининг асосий тамойилларини ташкил этувчи асосий сабабчи омил ҳисобланади.

ДИ ва ЯДИ цитоморфометрик индексларини текшириш пайтида, ортодонтик аппаратлар билан даволашдан олдин тиш-жағ тизими аномалиялари бўлган беморларда улар натижаларининг нисбий параметрлари ЯДИ - $17,8 \pm 2,1$ ва ДИ - $181 \pm 18,7$ га тенг бўлганлиги аниқланди. ДИ частотаси маълумотларини ўрганишда унинг параметрлари кўп ҳолларда нол ва 500 дан юқори чегараларда ўзгарганлиги аниқланди (3-расм).



3-расм. Ортодонтик даволашни бошланишидан олдин ЯДИ ва ДИ қийматларининг частоталари

Ортодонтик аппарат билан даволаш даврида ГЦК $3,45 \pm 0,5$ ни ташкил этди, шу билан бирга, бошланғич индекс кўрсаткичлари ортодонтик даволашнинг дастлабки маълумотларига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди ($p=0,001$), бу эса оғиз бўшлиғи гигиенасининг ёмонлиги, тишларда ва милкда микробли карашлар тўпланиши - пародонт тўқималарида яллиғланиш характеридаги патологик ўзгаришлар пайдо бўлишига олиб келадиган вирулент кўрсаткичдан далолат беради. Ортодонтик аппарат билан даволаш динамикасида олинган кўрсаткичларга кўра, беморларда ЯДИ ва ДИ даволаш бошланишидан олдин олинган маълумотлардан сезиларли даражада юқори бўлди (4-расм).



4-расм. Ортодонтик даволаш пайтида ДИ ва ЯДИ қийматларининг частоталари.

Цитологик усулдан фойдаланиб, биз пародонтда яллиғланиш жараёнини олдини олишга ёки ривожланган яллиғланиш жараёнини бартараф этишга қаратилган даволаш-профилактика чораларини амалга оширилгандан сўнг 2-3 ҳафта ўтгач, брекет тизими бўлган беморларда пародонтнинг ҳолатини ўргандик.


Цитологик тадқиқот маълумотларига кўра, беморларда цитологик кўрсаткичларнинг (ЯДИ - $p=0,0002$ ва ДИ - $p=0,0004$) тезкор статистик ишончли пасайиши кузатилди, бунда улар меъёр даражасига етди (ЯДИ= $18,6\pm 2,1$ ва ДИ= $181\pm 17,6$), бу пародонт яллиғланиш реакцияларини бартараф этишга қаратилган даволаш-профилактика чораларини амалга ошириш пародонт тўқималар ҳолатини меъёрлаштирганини кўрсатди.

Узоқ муддатли тадқиқотлар гуруҳида $1,5\pm 0,75$ га етган ГЦК параметрлари муҳим рол ўйнади.

Даволаш ва профилактика чора-тадбирлари тугагандан сўнг, ГЦК параметрлари ишончли равишда камайди, бу эса ЯДИ ва ДИ қийматларининг пасайиши билан ўзаро боғлиқликка имкон берди ва, шубҳасиз, оғиз бўшлиғи гигиеник омилининг ортодонтик аппаратлар билан даволаш динамикасида яллиғланиш табиатли асоратлари ривожланиши билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, цитологик тадқиқот маълумотларига кўра, узоқ муддатли кузатув даврида беморларнинг бир қисмида клиник жиҳатдан сурункали гингивит сифатида намоён бўлган пародонтнинг яллиғланиш белгилари сақлаб қолинди.

Шу муносабат билан биз ортодонтик даволанаётган беморлар даврий равишда пародонтолог томонидан кузатилиши керак деган хулосага келдик. Ушбу турдаги даволашнинг яллиғланиш асоратларининг олдини олишнинг ажралмас қисми шифокор назорати остида оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилишдир (5-расм).



5-расм. Комплекс даволашдан кейин узоқ муддатда ДИ ва ЯДИ қийматларининг частоталари.

Ортодонтик даволанаётган беморларда пародонт тўқималарнинг гидратация параметрини таҳлил қилиш натижасида, даволашдан олдин унинг параметрлари қиймати 24/27 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасидан (секстантдан) ташқари, барча тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарида тахминан бир хил бўлганлиги, 24/27 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида бошқа тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарига нисбатан тахминан 9,5% га юқори эканлиги аниқланди (5-расм).

6 ойлик ортодонтик даволашдан сўнг, тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарининг кўп қисмида беморларда пародонтдаги гидратация параметрларининг қийматлари пасайиб кетди, бу даволаш тадбирларидан кейин суякка механик юкламанинг кучайишини кўрсатишга имкон беради.

12 ойлик ортодонтик даволашдан сўнг 24/27 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасидан ташқари ҳар бир тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида пародонт тўқималарининг гидратация миқдорининг меъёрлашиши аниқланди. 13,5 ойдан кўп давом этган даволаш пайтида ҳар бир зонада пародонт тўқималари гидратациясининг кейинги ортиши аниқланди. Шундай қилиб, ортодонтик даволанишдан олдинги беморларга нисбатан, 13,5 ойдан ортиқ даволаниш муддатида тўқималар гидратацияси миқдори 12/22 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида 11,8% га, 24/27 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида - 6,1% га, 34/37 - 13,3% га, 32/42 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида - 15,3% га, 44/47 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида - 13,4% га ва 14/17 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида - 7,8% га ошди. Айтиш керакки, даво терапиясининг ушбу якуний даврида ҳар бир тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарининг гидратацияси меъёрга мос келадиган қийматларга етди.

Тўқималарнинг регенератив қобилияти индексини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, беморларда даволанишдан олдин унинг барча тишлар соҳасидаги пародонт тўқималаридаги қийматлари чегаравий қийматдан ошди, бу пародонт тўқималарида регенерация жараёнининг устунлигини кўрсатади (2-жадвал). Ортодонтик даволаниш муддати 4 ва 12 ой бўлган беморларда

тўқималарнинг регенератив қобилияти индексининг миқдорий кўрсаткичлари турли йўналишларда ўзгарди, аммо ҳеч қандай соҳада улар чегара қийматигача камаймайди. Бироқ, ортодонтик даволаниш муддати 13,5 ойдан ортиқ бўлган беморларда 24/27, 34/37, 32/42 ва 44/47 тишлар соҳасидаги пародонтда тўқималарнинг регенератив қобилияти индексининг қийматлари ўртача чегара қийматидан паст бўлди. Бу ушбу тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарида резорбция жараёнининг устунлигини кўрсатди.

2- жадвал

Ортодонтик даволанишнинг турли муддатларида тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарининг регенератив қобилияти индексининг қийматлари (шартли бирликлар)


Тишлар соҳасидаги пародонт тўқимаси	Ортодонтик даволаш динамикаси			
	Даволанишдан олдин	6 ойдан сўнг	Бир йилдан сўнг	13,5 ойдан зиёд
12/22	2,631±0,434	2,311±0,405	2,5±1,260	2,189±0,711
24/27	2,312±0,701	2,647±0,701	2,251±1,012	1,961±0,486*
34/37	2,371±0,253	2,436±0,521	2,285±0,582	2,071±0,344*
32/42	2,311±0,678	2,203±0,581	2,382±0,472	1,820±0,445*
44/47	2,911±0,765	2,298±0,356	2,212±0,421	2,098±0,493*
14/17	2,472±0,421	2,713±0,745	2,678±0,965	2,121±0,512

**Тўқималарнинг энг кучли резорбция жараёнини кўрсатадиган параметрлар қалин шрифтда ёзилган*

Олинган маълумотларга кўра, ортодонтик даволаниш жараёнида беморларда ЯДИ ва ДИ кўрсаткичлари унинг бошланишидан анча юқори бўлди. Ортодонтик даволаш босқичида цитологик тадқиқотда ортодонтик даволанишдан олдинги беморларга нисбатан ЯДИ ва ДИ кўрсаткичлари сезиларли ўсиши аниқланди: ЯДИ қийматлари 27,3 ни ташкил этди (ортодонтик даволанишдан олдинги 18,4 га нисбатан); ДИ қийматлари = 468,7 (ортодонтик даволанишдан олдинги 180 га нисбатан).

Гистограммалар шуни кўрсатадики, ортодонтик даволаниш пайтида (ЯДИ 2) индекс кўрсаткичларининг частотаси юқори қийматлар томонга (20 – меъёрий даражадан ошган қийматлар) силжиди. Даволаш-профилактика чораларидан сўнг (ЯДИ 3), аксинча, цитологик индекс кўрсаткичларининг частотаси сезиларли даражада меъёрий диапазонга (20 гача) силжиди ва умуман олганда, нафақат ортодонтик даволаш давомида, балки ундан олдинги частоталардан ҳам паст бўлди. Узоқ муддатли кузатув даврида ЯДИ кўрсаткичлари нисбатан барқарор бўлиб қолди, аксарият ҳолларда меъёрий даражадан паст.

Ушбу тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, пародонт тўқималарида ривожланган яллиғланиш жараёнининг олдини олишга ёки тўхтатишга қаратилган даволаш-профилактика чораларининг тавсия этилган алгоритми қўлланилгандан сўнг, улар бошланганидан 2 ҳафта ўтгач, цитологик кўрсаткичларнинг меъёргача тез пасайиши кузатилди: ЯДИ-14, ДИ-96,8 (7-расм).



7-расм. Даволаш-профилактика чораларидан сўнг турли кузатув гуруҳларида ЯДИ қийматларининг эволюцияси

ДИ кўрсаткичларининг частоталари ДИ 2 ни ортодонтик даволашда цитологик кўрсаткичлар қийматларининг ДИ 1 кузатувларининг биринчи гуруҳига нисбатан меъёрий даражадан (1000) ошиб кетиш майдонига силжишини кўрсатди. Даволаш тадбирларидан сўнг (ДИ 3) ДИ қийматларининг меъёрий кўрсаткичлар майдонига нисбати ўзгарди. Частота тақсимотининг бу хусусияти узоқ муддатли кузатишларда ҳам сақланиб қолди (ДИ 4).

6 ойлик даволанишдан сўнг, кўпчилик тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарида гидратация индексининг қийматлари пасайиб кетди, бу даволаш муолажалари бошланганидан кейин суяк тўқимасига механик юкламанинг ортганини акс эттиради. 12 ойлик даволанишдан сўнг, 24/27 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасидан ташқари, барча тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарининг гидратация индексини меъёрлашиш жараёни кузатилди. 13,5 ойдан ортиқ даволаниш муддати билан барча соҳаларда тўқималар гидратациясининг янада ортиши кузатилди. Натижада, даволанишдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан 13,5 ойдан ортиқ даволаниш муддатидан кейин тўқималарнинг гидратация индекси 12/22 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида 11,7% га, 24/27 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида 5,9% га, 34/37 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида 13,2%га, 32/42 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида - 15,2%га, 44/47 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида - 13,3%га ва 14/17 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида - 7,7%га ошди. Шунинг таъкидлаш керакки, даволашнинг ушбу якуний босқичида барча тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарида гидратация индекси меъёрга мос келадиган қийматларга етди.

6 ойлик даволанишдан сўнг, барча тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарида гидратация индексининг қийматлари меъёрдан 4,1%га кам бўлиб, назорат гуруҳидагилардан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилди.

Аммо кейинги босқичларда улар доимий равишда кўпайиб, меъёр чегараларига етиб борди ва 12 ойдан кейин яна 2,6% га, пародонт тўқималарда қолган кучланишни акс эттирди. Ва фақат 13,5 ойдан ортиқ муддатда 6,0% га кескин ўсиш кузатилди. Тўқималарда жараёнларнинг динамикаси бўйича маълум маълумотлар билан пародонт тўқималарининг гидратацияси кўрсаткичи ва ортодонтик даволашнинг клиник кўриниши ўртасидаги аниқланган боғлиқлик ушбу кўрсаткични диагностика, давони режалаштиришда пародонт

тўқималарининг функционал ҳолатини кўшимча назорат қилиш сифатида кўриб чиқишга ва даволанишни кузатишга имкон беради.

Тўқималарнинг регенератив қобилияти индексини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, беморларда даволанишдан олдин унинг барча тишлар соҳасидаги пародонт тўқималаридаги қийматлари чегаравий қийматдан ошди, бу пародонт тўқималарида регенерация жараёнининг устунлигини кўрсатади. Ортодонтик даволаниш муддати 6 ва 12 ой бўлган беморларда тўқималарнинг регенератив қобилияти индексининг миқдорий қийматлари турли йўналишларда ўзгарди, аммо ҳеч қандай соҳада улар чегара қийматигача камаймади. Бироқ, ортодонтик даволаниш муддати 13,5 ойдан ортиқ бўлган беморларда 24/27, 34/37, 32/42 ва 44/47 тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарида регенератив қобилияти индексининг қийматлари ўртача чегара қийматдан паст (3-жадвал). Бу ушбу тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарида резорбция жараёнининг устунлигини кўрсатди. Тадқиқотда тўқималарнинг регенератив қобилиятини баҳолаш техникасини қўллаш ушбу кўрсаткични назорат қилиш имконини беради ва ортодонтик даволаш тактикасини, шунингдек, унинг вақтини тўғри танлашга ёрдам беради.

3-жадвал


Ҳар хил даволаш динамикасига эга тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарида(секстантларда) пародонт тўқималари регенератив функцияси параметрларининг қийматлари (шартли бирликлар)

Тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасилар	Ортодонтик даволаш динамикаси			
	Даволашдан олдин	6 ой	Бир йилдан сўнг	13,5 ойдан кўп
12/22	2,631±0,434	2,311±0,405	2,5±1,260	2,189±0,711
24/27	2,312±0,701	2,647±0,701	2,251±1,012	1,961±0,486*
34/37	2,371±0,253	2,436±0,521	2,285±0,582	2,071±0,344*
32/42	2,311±0,678	2,203±0,581	2,382±0,472	1,820±0,445*
44/47	2,911±0,765	2,298±0,356	2,212±0,421	2,098±0,493*
14/17	2,472±0,421	2,713±0,745	2,678±0,965	2,121±0,512

** Тўқималарнинг энг кучли резорбция жараёнини кўрсатадиган параметрлар қалин шрифтда ёзилган*

Диссертациянинг “Ортодонтик даволанаётган беморларда пародонт касалликларининг даволаш-профилактика чоралари алгоритми” деб номланган тўртинчи бобида ўрганилган клиник ва лаборатория тадқиқотлари таҳлили асосида пародонт тўқималарида яллиғланиш-деструктив характердаги асоратларни олдини олиш учун терапевтик ва профилактика чоралари алгоритми яратилди.

ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАР АЛГОРИТМИ



Шундай қилиб, биз томондан таклиф этилган даво комплекси орқали олинмайдиган ортодонтик конструкциялар билан даволанаётган беморларда пародонт тўқималарининг яллиғланиш ва деструктив характердаги асоратларини олдини олишга эришилди.

ХУЛОСА

“Ортодонтик даволанаётган беморларда пародонт касалликларини олдини олиш ва даволашни такомиллаштириш” мавзусидаги илмий изланишлар асосида қуйидаги хулоса шакллантирилди:

1. Оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатининг ёмонлашиши, шунингдек, микробли ифлосланиш - ортодонтик аппаратлар билан даволанаётганда пародонт тўқималарнинг яллиғланиш табиатли асоратлари пайдо бўлишининг асосий тамойилларини ташкил этувчи асосий сабабчи омил ҳисобланади. Олиб борилган дастлабки текширувларда РМА индексининг кўрсаткичи $6,69 \pm 0,15$ ни ташкил қилди, оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенаси ўтказилганидан 1 ойдан сўнг 27% га, 3 ойдан сўнг 31% га, 6 ойдан сўнг 34% га, ва 12 ойдан сўнг 42% га, ортодонтик даволанишнинг якуний босқичида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 48% га олинган натижалар РМА индексининг қийматларида ижобий натижа кўрсатди.

2. Цитоморфометрик тадқиқот маълумотлари шуни кўрсатадики, ортодонтик аппаратлар билан даволаш жараёнида тиш-жағ тизими аномалиялари бўлган беморларнинг 34%да ГЦК кўрсаткичлари 0 дан 1,1 гача (яхши гигиеник ҳолат), 31%да - ГЦК 1,2 дан 2,1 гача (қоникарли гигиеник ҳолат), 21% да - ГЦК 2,2 дан юқори (қоникарсиз гигиеник ҳолат). Оғиз бўшлиғи гигиенасининг цитологик таҳлили (ГЦК) пародонт тўқималарда ўзгаришлар, жумладан, мукозал эпителий ва эпителиоцитларнинг ҳужайравий популяцияси ҳолати ва яллиғланиш-деструктив жараённинг шаклланиши ўртасидаги яқин боғлиқликни аниқлашга, пародонт тўқималарининг объектив ҳолатини ҳолисона ҳисоблашга ва тиш-жағ тизимида аномалиялар бўлган шахсларда олинмайдиган ортодонтик аппаратлар билан даволашдан олдин ва даволаш пайтида пародонт тўқималаридаги патологик жараённинг эрта клиник кўринишларини аниқлашга имкон берди.

3. Пародонт тўқималарининг гидратация ва регенерация параметри қийматлари давомийлигини ўрганишнинг биоимпеданс таҳлили натижасида даволанишдан олдин беморларда бу кўрсаткич ҳам меъёрий кўрсаткичларга, ҳам назорат гуруҳлари кўрсаткичларига нисбатан камайиши кузатилди. Ушбу ҳолат суяк тўқимасига механик юкламанинг мавжудлиги билан изоҳланиб, ҳужайра деформацияси ривожланишига олиб келиши аниқланди. 13,5 ойдан ортиқ даволаниш муддатида тўқималар гидратацияси микдори 12/22 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида 11,8% га, 24/27 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида - 6,1% га, 34/37 - 13,3% га, 32/42 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида - 15,3% га, 44/47 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида - 13,4% га ва 14/17 тишлар соҳасидаги пародонт тўқимасида - 7,8% га ошди. Айтиш керакки, даво терапиясининг ушбу якуний даврида ҳар бир тишлар соҳасидаги пародонт тўқималарининг гидратацияси меъёрга мос келадиган қийматларга етди.

4. Олинмайдиган ортодонтик аппаратлар билан даволаш босқичларида даволаш-профилактик тадбирлар алгоритмининг қўлланилиши натижасида

пародонт тўқималарида яллиғланиш-деструктив характердаги асоратларни 90% дан 70%га камайишига эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

САИДМУРОВОДА ЖАМИЛА БОТИРОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФИЛАКТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ
ЗАБОЛЕВАНИЙ ТКАНЕЙ ПАРОДОНТА У БОЛЬНЫХ,
НАХОДЯЩИХСЯ НА ОРТОДОНТИЧЕСКОМ ЛЕЧЕНИИ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2023

Тема кандидатской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.2.PhD/Tib2849

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета [uwww.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Назарова Нодира Шарипова

доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Зойиров Тулкин Элназарович

доктор медицинских наук, доцент

Ермуханова Гульжан Тлеумухановна

доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Воронежский государственный

медицинский университет имени Н.Н. Бурденко

Защита диссертации состоится «__» _____ 2023 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 при Самаркандском государственном медицинском университете (Адрес: 140100, город Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammu@sammu.uz)

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрирована за № _____) Адрес: 140100, город Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; e-mail: sammu@sammu.uz

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2023 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2023 года).

Ж.А. Ризаев

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Г.У. Самиева

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

М.Т. Насретдинова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время распространенность зубочелюстных аномалий среди детей и подростков в мире составляет 50-80%, для них характерно широкое распространение зубочелюстных аномалий, входящих в группу основных стоматологических заболеваний. При этом 37% населения «...нуждаются в специализированной ортодонтической помощи...»²¹. В настоящее время любая медицинская служба может успешно функционировать только при оптимальном взаимодействии всех звеньев и всех элементов, система здравоохранения во многом зависит от уровня организации и управления деятельностью медицинских учреждений в целях оптимизации их деятельности. В последние годы в мире было проведено множество исследований по внедрению новых технологий и материалов в стоматологию для ортодонтического лечения с использованием несъемных аппаратов с целью достижения оптимальных функциональных и эстетических результатов.

Многочисленные научные исследования в мире направлены на решение вопросов изучения состояния тканей пародонта при различных аномалиях зубочелюстной системы. В тоже время анализ зарубежной литературы показал, что если раньше съемные аппараты применяли в 90% случаев, то в настоящее время они используются лишь в 16% наблюдений. Сегодня 84% пациентам проводят лечение с использованием несъемной аппаратуры. Ряд научных исследований показал, что чаще всего врач-стоматолог является врачом первого контакта для большой категории больных. Однако до сих пор, несмотря на неоспоримые преимущества использования брекетной системы, брекетные кольца, дуги, проволоки, лигатуры, пружины, закрепленные на зубах, значительно ухудшают гигиену ротовой полости, в 92% случаев наблюдается воспаление пародонта.

В нашей стране принимаются активные меры по развитию медицинской сферы, в частности, по снижению стоматологических заболеваний и их осложнений, а также по оказанию квалифицированной медицинской помощи населению, страдающему стоматологическими заболеваниями, и ставятся следующие задачи: повышение эффективности, качества и доступности медицинских услуг, содействие здоровому образу жизни и профилактике заболеваний, включая стандартизацию медицинской системы, высокотехнологичные методы диагностики и лечения, внедрение эффективных моделей патронажа и диспансеризации. Эти задачи определяют приоритеты передовых научных исследований, таких как повышение уровня современной медицинской помощи, диагностика и лечение осложнений стоматологических заболеваний среди населения, использование современных технологий для оказания качественной медицинской помощи.

²¹Персин Л.С., Максимов Г.Г. Диагностика и лечение зубочелюстных аномалий. Москва, Медицина, 2014., С. 112-115.

Исследования диссертации в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных в нормативных документах в сфере медицины, таких как, Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановление Президента Республики Узбекистан от 28 ноября 2011 № ПП-1652 «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения», постановление Президента Республики Узбекистан от 20 июня 2017 года № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», распоряжение Президента Республики Узбекистан от 10 мая 2018 года № 5274 «Об организации подготовки предложений по критическому изучению системы здравоохранения и ее коренному совершенствованию», а также другие нормативные акты, принятые в этой сфере.

